

«ТАСДИКЛАНГАН»  
«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ  
акциядорлари умумий йиғилишининг  
қарори билан  
2017 йил 31 январ

(«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ  
акциядорларининг 2017 йил «б» февралдаги  
AC-1/2017-сонли Навбатдан ташқари  
умумий йиғилиши баённомасига  
8-илова)

**«ASIA ALLIANCE BANK»  
АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ  
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ  
ТҮҒРИСИДА  
НИЗОМ**

2017 йил

## **I. УМУМИЙ ЙИГИЛИШ**

1.1. «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ акциядорларининг умумий йигилиши тўғрисидаги ушбу Низом (кейинги ўринларда Низом деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя килиш тўғрисида»ги Конуни (кейинги ўринларда Конун деб юритилади), шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг бошка норматив-хукукий хужжатлари, Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошкарув тизимини такомиллаштириш Комиссиясининг 31.12.2015 йилдаги 9-сонли мажлис баёни билан тасдиқланган Корпоратив бошкарув кодекси ва «ASIA ALLIANCE BANK» акциядорлик тижорат банки мувофик ишлаб чикилган.

1.2. Низом Банк акциядорлари умумий йигилишининг мақоми ва ваколатларини, шунингдек, акциядорлар умумий йигилишини ўtkазиш ва унда қарорлар қабул килиш тартибини белгилаб беради.

1.3. Акциядорларнинг умумий йигилиши Банкнинг олий бошкарув органи хисобланади, Банк фаолиятининг асосий масалалари бўйича қарорлар қабул килади ва акциядорларни Банкни бошаришда иштироқ этишининг асосий усули хисобланади.

1.4. Банк ҳар йили Акциядорларнинг умумий йигилишини (Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишини) ўtkазиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишидан ташкари ўtkaziladig'an умумий йигилишлари навбатдан ташкари йигилишлардир.

1.5. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўtkазиш санаси ва тартиби, йигилиш ўtkaziliши ҳакида акциядорларга хабар бериш тартиби, акциядорларнинг умумий йигилишини ўtkazishga tayёргарлик вақтида акциядорларга бериладиган материалларнинг (ахборотнинг) рўйхати Банк кенгаши/Акциядорларнинг умумий йигилишини чакиртиришга ҳакли шахслар томонидан белгиланади.

## **II. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ ВАКОЛАТИ ВА ҚАРОРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ**

2.1. Акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:

2.1.1. Банк уставига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки Банкнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш, Банк кенгаши тарафидан Банк устав фонди (устав капитали)нинг оширилиши ва эълон қилинган акциялар сонини камайтирилиши билан боғлиқ Банк уставига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар бундан мустасно;

2.1.2. Банкни қайта ташкил этиш;

2.1.3. Банкни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

2.1.4. Банк кенгашининг ва миноритар акциядорлар кўмитасининг сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

2.1.5. эълон қилинган акцияларнинг энг кўп микдорини белгилаш;

2.1.6. Банкнинг устав фондини (устав капиталини) камайтириш;

2.1.7. ўз акцияларини олиш;

2.1.8. Банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

2.1.9. Бошқарув Раисини сайлаш (тайинлаш) ва ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Бунда Банк кенгаши Банк Бошқаруви Раиси томонидан Банк устави кўпол бузилган ёки унинг харакатлари (харакатсизлиги) туфайли Банкка зарар етказилган тақдирда Бошқаруви Раиси билан тузилган шартномани муддатидан илгари тўхтатиш (бекор килиш)га ҳакли;

2.1.10. Банк тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш, шунингдек тафтиш комиссияси тўғрисидаги низомни тасдиклаш, Банк кенгашининг тавсияси билан тафтиш комиссияси аъзоларига тайинланадиган мукофот ва компенсациялар микдорини белгилаш;

2.1.11. Банкнинг йиллик ҳисботини ва йиллик бизнес-режасини, шунингдек Банк фаолиятининг асосий йўналишлари ва максадидан келиб чиқкан холда Банкни ўрта муддатга ва узок муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиклаш;

2.1.12. Банкнинг фойдаси ва заарларини таксимлаш;

2.1.13. Банк кенгашининг ва тафтиш комиссиясининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Банкни бошқаришга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан Банк кенгашининг ҳисботларини ва тафтиш комиссиясининг хулосаларини эшитиш;

2.1.14. имтиёзли хукукни кўлламаслик тўғрисида Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя килиш тўғрисида»ги Конунининг 35-моддасида назарда тутилган карорни кабул килиш;

2.1.15. акциядорлар умумий йигилишининг регламентини тасдиклаш;

2.1.16. акцияларни майдалаш ва йириклиштириш;

2.1.17. Банк кенгашига тўланадиган ҳак ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юкори микдорларини белгилаш;

2.1.18. Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя килиш тўғрисида»ги Конунининг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда Банк томонидан битимлар тузиш тўғрисида карор кабул килиш;

2.1.19. Банкнинг жорий молявий фаолиятига алоқадор битимларни белгилаш;

2.1.20. хайрия (спонсорлик ва beminnat) ёрдамнинг юкори микдорини белгилаш;

2.1.21. мустакил профессионал ташкилотлар – консультантларни жалб қилган холда бизнес жараёнлари ва лойихаларининг банкни ривожланиш максадларига мувофиқлиги тўғрисида ҳар йилги таҳлилни ўтказиш тўғрисида карор кабул килиш;

2.1.22. Банк ривожланиш стратегиясига етиш бўйича кабул қилинаётган чоралар тўғрисида Бошқарув ва Кенгашининг ҳисботларини мунтазам тинглаш;

2.1.23. қонунчиликка мувофиқ бошқа масалаларни ҳал килиш.

2.2. Акциядорларнинг умумий йигилиши ваколатига киритилган масалалар ҳал килиш учун Банк бошқарувига берилиши мумкин эмас.

2.3. Мазкур Низомнинг 2.1.1. - 2.1.3., 2.1.5, 2.1.12, 2.1.17 ва 2.1.18 бандларида назарда тутилган масалалар бўйича карорлар акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этаётган, овоз берувчи акция эгалари хисобланган акциядорлар овозларининг тўртдан уч кисм кўпчилиги билан кабул килинади.

2.4. Бошка масалалар бўйича карорлар акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан унда иштирок этаётган, овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг оддий кўпчиллик овози билан қабул қилинади.

2.5. Акциядорларнинг умумий йигилишида овоз бериш «Банкнинг овоз берувчи битта акцияси – битта овоз» принципи бўйича амалга оширилади, Банк кенгаши азоларини сайлаш бўйича кумулятив овоз беришни ўтказиш ҳоллари бундан мустасно.

2.6. Акциядорларнинг умумий йигилишида кун тартиби масалалари бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари оркали амалга оширилади. Акциядор ёк уни вакилининг ёзма талаби бўйича Банк унга овоз бериш бюллетенининг тўлдирилган нусхасини тақдим этиши шарт. Бу холда Банк ушбу хужжатни тақдим этгани учун бюллетен нусхасини тайёрлаш харажатларини ва хужжатларни почта оркали юборилиши билан боғлик харажатларидан ортиқ бўлмаган микдорда ҳақ талаб килишга ҳакли.

2.7. Овоз берилганида овоз берувчи қайси масала бўйича эҳтимол тутилган овоз бериш варианларидан факат биттасини колдирилган бўлса, ўша масала бўйича берилган овозлар хисобга олинади. Мазкур талабни бузган холда тўлдирилган овоз бериш бюллетенлари ҳакикий эмас деб топилади ва улардаги масалалар бўйича берилган овозлар хисобга олинмайди.

2.8. Акциядорларнинг умумий йигилишида овозга қўйилган, ҳал килиш чоғида Банкнинг оддий ва имтиёзли акциялари эгалари бўлган акциядорлар овоз бериш хукукига эга бўладиган масала юзасидан овозларни санаб чиқиш овоз берувчи акцияларнинг барчаси бўйича биргаликда амалга оширилади.

2.9. Агар овоз бериш бюллетенида овозга қўйилган бир нечта масала кўрсатилган бўлса, бир ёки бир нечта масалага нисбатан 2.7-бандда кўрсатилган талабга риоя этилмаганлиги бюллетеннинг умуман ҳакикий эмас деб топилишига сабаб бўлмайди.

2.10. Акциядорларнинг умумий йигилишида шахсан, жумладан, видеоконференцалока воситасида иштирок этиш имконига эга бўлмаган акциядор, акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган санагача 1 иш кунидан кечиктирмасдан Банк электрон манзилига ўзи тўлдирилган ва унинг электрон ракамли имзоси билан тасдикланган бюллетеннинг электрон нусхасини юборишга ҳакли. Бу холда акциядор, акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказилишидан аввал уч ишчи кунидан кечиктирмасдан Банкка электрон-ракамли имзо воситасида овоз беришга ёзма сўров юбориши лозим.

Видеоконференцалока воситасида акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этаётган акциядор, акциядорларнинг умумий йигилиши якунлангандан сўнг 1 иш кунидан кечиктирмасдан ўзи тўлдирилган ва унинг электрон ракамли имзоси билан тасдикланган бюллетеннинг электрон нусхасини Банк электрон манзилига юбориши лозим.

Банк бюллетеннинг электрон нусхасидан фойдаланиши учун акциядор аввалдан конунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ электрон ракамли имзоси ҳакикийлигини конунчиликда белгиланган талабларга мувофиқ текширилиши имкониятини таъминлаши лозим, акс холда, шунингдек, бюллетени топшириш муддатлари бузилганда бундай бюллетенлар бўйича овозлар хисобга олинмайди.

2.11. Банк акциядорлари, жумладан, миноритар акциядорлар, овоз беришда биргаликдаги позицияни шакллантириш учун акциядорлик келишувини тузишга ҳаклидирлар.

2.12. Акциядорлик келишуви деб акциялар билан тасдикланган хукукларни амалга ошириш ва (ёки) акцияларга бўлган шундай хукукларни амалга оширишнинг хусусиятлари тўғрисидаги шартнома тан олинади.

Акциядорлик келишувини унинг тарафлари акциялар билан тасдиқланган хукукларни муайян тарзда амалга ошириш ва (ёки) шундай хукукларни амалга оширишда бетараф колиш (воз кечиши) мажбуриятини зиммасига оладилар.

2.13. Акциядорлик келишувини тузиш, бекор килиш ва унинг шартларига риоя килиш тартиби, шунингдек, бундай келишув бўйича тарафларнинг хукуклари, мажбуриятлари ва муносабатлари Ўзбекистон Республикаси конунчилиги билан тартибга солинади.

### **III. АКЦИЯДОРЛАР ВА УЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛИ ВАКИЛЛАРИНИ АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИДА ИШТИРОК ЭТИШ ХУҚУҚИ ВА ТАРТИБИ**

3.1. Акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш хукукига акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган санадан уч иш куни олдин шакллантирилган Банк акциядорларининг реестрида кайд этилган акциядорлар эга бўлади.

3.2. Банк акциядорнинг талабига кўра акциядорга у акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш учун шакллантирилган Банк акциядорларининг реестрига киритилганини тўғрисида ахборот тақдим этиши шарт.

3.3. Банк акциядорларининг шакллантирилган реестрига ўзгартиш ва кўшимчалар факат мазкур реестр шакллантирилган санада унга киритилмай колган шахсларнинг бузилган хукуклари тикланганда ёки реестрни шакллантиришда йўл кўйилган хатолар тузатилганда конунчиликда белгиланган тартибда киритилишига йўл кўйилади.

3.4. Акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш хукуки акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили оркали амалга оширилади. Акциядор акциядорларнинг умумий йигилишидаги ўз вакилини исталган вактда алмаштиришга ёки йигилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳаклидир.

3.5. Акциядорларнинг умумий йигилишида Банк акциядорларининг реестрига киритилган акциядорлар, уларнинг ваколатли вакилари, Банк аудиторлари, кенгаш, бошкарув ва тафтиш комиссияси аъзолари, шунингдек, акциядорларнинг умумий йигилишини чакиртириш тўғрисидаги карорда кўрсатилган шахслар ҳаклидир.

3.6. Кенгаш, тафтиш комиссияси аъзолигига ва Банк бошкаруви Раиси лавозимига номзодлар ўзларининг номзодлари кўриб чиқилаёттганда акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этишлари мумкин.

3.7. Умумий йигилишда иштирок этиш учун акциядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари йигилиш ўтказилиши тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган жой ва вактда рўйхатдан ўтишлари лозим.

3.8. Акциядорнинг, жумладан, акциядорлик келишувини тузган акциядорларнинг вакили акциядорларнинг умумий йигилишида ишончнома асосида харакат килади.

3.9. Овоз берниш учун ишончномада ваколат берувчи ва вакил тўғрисида маълумотлар (исми ёки номи, истикомат жойи ёки жойлашган жойи, паспорт маълумотлари) келтирилиши лозим.

3.10. Умумий йигилишда иштирок этиш учун келган акциядорлар – жисмоний шахслар паспорт ёки акциядорнинг шахсини тасдиқловчи ўзга хужжат, вакил эса шунингдек, нотариал тасдиқланган ишончнома тақдим этилганда рўйхатта олинади.

3.11. Банк акциядори бўлган юридик шахснинг вакили – шу юридик шахснинг раҳбари умумий йигилишда ўз ваколатларини лавозимга тайинлаш тўғрисидаги хукукий хужжат ва шахс тасдиковчи хужжат асосида амалга оширади.

3.12. Банк акциядори бўлган юридик шахснинг вакили, башарти у шу юридик шахснинг раҳбари хисобланмаса, ташкилот раҳбарининг ёки ўзга ваколатли вакилининг имзоси билан тасдикланган ва ушбу юридик шахснинг мухри билан шаҳодатланган, унинг номига берилган ишончнома мавжуд бўлса акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиши мумкин.

3.13. Агар Банкнинг акцияси бир нечта шахснинг умумий улушли мулкида бўлса, акциядорларнинг умумий йигилишида овоз бериш ваколатлари уларнинг хошишига кўра умумий улушли мулк иштирокчиларидан бири ёки уларнинг умумий вакили томонидан амалга оширилади. Кўрсатиб ўтилган ҳар бир шахснинг ваколатлари тегишли тарзда расмийлаштирилган бўлиши керак.

3.14. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш учун шакллантирилган Банк акциядорлари реестрига мувофик, мазкур Низомга 1-иловада келтирилган шакл бўйича кайд рўйхати тузилади. Қайд рўйхати ракамланган, тикилган ва Банк мухри билан тасдикланган бўлиши лозим.

3.15. Умумий йигилишни ўтказиша акциядорлар (уларнинг вакиллари) кайд рўйхатида имзо чекадилар ва ҳар бир акциядорга тегишли ва Банк акциядорлари реестри маълумотлари бўйича аникланган овоз берувчи акциялар микдоридан келиб чиқиб, овоз бериш учун бюллетенлар тўпламини оладилар (бюллетеннинг наъмунавий шакли 2-иловада келтириллади).

3.16. Агар йигилиш иштирокчиси бир ёки бир нечта акциядорнинг манфаатларини ифодалаш учун ишончнома такдим этса, унга ўзи вакиллик килаётган акциядор(лар) учун бюллетенлар берилади, кайд рўйхатида эса ваколатини топширган ҳар бир акциядорнинг фамилиясини тўғрисида: «\_\_\_\_\_ (микдор) овоз берувчи акциялар бўйича 20\_\_ йил «\_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ сонли ишончнома бўйича» ёзув киритилади ва вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.

#### **IV. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШНИНІ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК**

4.1. Банк ҳар йили, аммо молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмасдан акциядорларнинг йиллик умумий йигилишини ўтказиши шарт. Одатда акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши йилнинг иккинчи чорагида ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишида Банкнинг Кенгашини ва тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги, Бошқарув Раиси билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни кайта тузиш ёки бекор килиш мумкинлиги хакидаги масалалар ҳал этилади, мазкур Низомнинг 2.1.11 ва 2.1.12 бандларида назарда тутилган масалалар, шунингдек, Банк бошқарувни ва Кенгашининг Банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги хисоботлари ва қонунчилик ва уставга мувофик бошқа хужжатлар кўриб чиқилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишида кўриб чиқиладиган Банк Бошқарувни ва Кенгashi хисоботлари маъруза кўриннишида такдим этилади ва Банк томонидан хисобот йилида эришилган натижаларнинг таҳлилини, Банк олдида кўйилган максадларга етишга тўскилник килаётган омилларнинг таҳлилини, шунингдек, Банк ривожланишининг тасдикланган стратегиясига етиш учун кўрилган чора-тадбирларни ҳамда корпоратив бошқарув нормаларига риоя килишининг таҳлилини ўз ичига олади.

4.2. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказишга тайёргарликни Банк кенгаши, Конунда назарда тутилган холатларда эса акциядорларнинг йиллик умумий йигилишини чакиртиришга ҳакли шахслар амалга ошириб, қуидагиларни белгилайдилар:

- акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган сана, жой ва вакт;
- акциядорлар умумий йигилишининг кун тартиби;
- акциядорлар умумий йигилишини ўтказиш учун Банк акциядорлари реестри шакллантириладиган сана;
- акциядорлар умумий йигилиши ўтказилиши тўғрисида акциядорларга хабар бериш тартиби;
- акциядорлар умумий йигилишини ўтказишга тайёргарлик кўриш пайтида акциядорларга тақдим этиладиган ахборот (материаллар) рўйхати;
- овоз бериш бюллетенининг шакли ва матни.

4.3. Акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган сана уни ўтказиш тўғрисида карор қабул қилинган кундан эътиборан ўн кундан кам ва ўттиз кундан кўп этиб белгиланиши мумкин эмас.

4.4. Аник масала кўйилишини акс эттирмайдиган таърифларнинг (шу жумладан, «турли масалалар», «бошқа масалалар», «ўзга масалалар» ва шу сингари таърифларнинг) акциядорларнинг умумий йигилиши кун тартибига киритилишига йўл кўйилмайди.

4.5. Банк акциядорлари умумий йигилиши кун тартибига киритиш учун таклифлар молиявий йил якунлангандан сўнг олтмиш кундан кечиктирмасдан Банкни овоз берувчи акцияларининг камида бир фоизига эгалик килувчи акциядорлар тарафидан юборилади (З-иловада келтирилган шакл бўйича). Бу холда ушбу акцидорлар Банк кенгаши ва Банк тафтиш комиссиясига ушбу органларнинг миқдорий таркибидан ортиқ бўлмаган сонда номзодларни таклиф этишлари мумкин. Банк кенгаши аъзолигига номзодларни таклиф этишда акциядорлар, Кенгаш таркибига камида бир нафар мустакил аъзони киритиш тўғрисидаги Корпоратив бошкарув кодексининг тавсияларига амал килишлари лозим.

4.6. Акциядорлар (акциядор) Банк кенгаши ва Банк тафтиш комиссиясига ўзлари кўрсатган номзодлар рўйхатига акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши ўтказилиши тўғрисидаги хабар эълон қилинган санадан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай ўзгартишлар киритишга ҳакли.

4.7. Акциядорлар умумий йигилишининг кун тартибига масала уни кўйиш сабаблари, масалани киритаётган акциядорларнинг (акциядорларнинг) исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилган холда ёзма шаклда киритилади.

4.8. Банк кенгашига ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) номзодлар кўрсатиш тўғрисида таклифлар киритилганда, шу жумладан ўзини ўзи номзод килиб кўрсатилган тақдирда номзоднинг исми-шарифи, унга тегишли акцияларнинг сони ва тури (агар номзод Банк акциядори бўлса), шунингдек номзодни кўрсатаётган акциядорларнинг исми-шарифи (номи), уларга тегишли акцияларнинг сони ва тури кўрсатилади.

4.9. Банк кенгаши тушган таклифларни кўриб чиқиши ҳамда ушбу Низомнинг 4.5-бандида белгиланган муддат тугаганидан сўнг ўн кундан кечиктирмай уларни акциядорларнинг умумий йигилиши кун тартибига киритиш тўғрисида ёки мазкур кун тартибига киритишни рад этиш ҳақида карор қабул килиши шарт.

4.10. Акциядор (акциядорлар) томонидан киритилган масала акциядорлар умумий йигилишининг кун тартибига, худди шунингдек кўрсатилган номзодлар Банкнинг кенгашига ва тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритилиши керак, қуидаги холлар бундан мустасно:

- ушбу Низомнинг 4.5-бандида белгиланган муддатга акциядор (акциядорлар) томонидан риоя этилмаган бўлса;
- акциядор (акциядорлар) Банкнинг ушбу Низомнинг 4.5-бандида назарда тутилган миқдордаги овоз берувчи акцияларининг эгаси бўлмаса;
- таклифда баён этилган маълумотлар тўлиқ бўлмаса;
- таклифлар Конун талабларига мувофик бўлмаса.

4.11. Банк кенгашининг масалани акциядорлар умумий йигилишининг кун тартибига ёки номзодни Банк кенгашига ва тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритиш ёки киритишни рад этиш тўгрисидаги асослантирилган карори масалани киритган ёки таклиф тақдим этган акциядорларга (акциядорга) карор кабул килинган кундан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

4.12. Банк кенгашининг масалани акциядорлар умумий йигилишининг кун тартибига ёки номзодни Банк кенгашига ва тафтиш комиссиясига сайлов бўйича овоз бериш учун номзодлар рўйхатига киритишни рад этиш тўгрисидаги карори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

4.13. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш тўгрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган санадан камидан етти кундан кечиктирмай, лекин узоги билан ўттиз кун олдин Банкнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон килинади, шунингдек акциядорларга электрон почта оркали юборилади (хабарноманинг намунавий шакли 4-иловада келтирилган).

4.14. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш тўгрисидаги хабарда куйидагилар кўрсатилиши керак:

- Банкнинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили;
- умумий йигилиш ўтказиладиган сана, вакт ва жой;
- Банк акциядорларининг реестри шакллантирилладиган сана;
- акциядорларнинг умумий йигилиш кун тартибига киритилган масалалар;
- умумий йигилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборот (материаллар) билан акциядорларни таништириш тартиби.

4.15. Агар Банк акциядорлари реестрида рўйхатга олинган шахс акцияларнинг номинал сакловчиси ҳисобланса, умумий йигилиш ўтказилиши тўгрисидаги хабарнома акцияларнинг номинал сакловчисига юборилади. Акцияларнинг номинал сакловчиси конунчиликда ёки мижоз билан тузилган шартномада белгиланган тартиб ва муддатда бу хакда ўз мижозларини хабардор килиши лозим.

4.16. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга ва давлат вакилига тақдим этилиши лозим бўлган ахборотга (материалларга) Банкнинг йиллик ҳисботи, Банкнинг йиллик молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан Банк тафтиш комиссиясининг ва аудиторлик ташкилотининг хulosаси, Банк кенгашининг Банк бошқаруви раиси билан тузилган шартноманинг амал килиш муддатини узайтириш, шартномани кайта тузиш ёки бекор килиш мумкинлиги тўгрисидаги хulosаси, шунингдек Банк кенгаши ҳамда тафтиш комиссияси аъзолигига номзодлар тўгрисидаги маълумотлар, Банкнинг уставига киритиладиган ўзгартиш ва кўшимчалар лойиҳаси ёки Банкнинг янги таҳрирдаги устави, акциядорларнинг умумий йигилишининг кун тартибига онд Банк кенгашининг позицияси ва акциядорларнинг умумий йигилишини чакириш тўгрисидаги кенгаш карорида белгиланган бошка ахборот, материаллар киради.

4.17. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши мажбурий бўлган кўшимча ахборотнинг (материалларнинг) рўйхати кимматли қозозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланиши мумкин.

4.18. Овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни Банк кенгаши томонидан тасдиқланади, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилиши Банк кенгаши томонидан чакирилмаган ҳоллар бундан мустасно. Овоз бериш бюллетени умумий йигилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтган акциядорга (унинг вакилига) берилади.

4.19. Овоз бериш бюллетенида: Банкнинг тўлиқ фирма номи, акциядорлар умумий йигилишини ўтказиш санаси, вакти ва жойи, овоз беришга кўйилган хар бир масаланинг таърифи ва уни кўриб чиқиш навбати, овоз беришга кўйилган хар бир масала бўйича «ёклайман», «қаршиман» ёки «бетарафман» деган мазмундаги сўзлар билан ифодаланган овоз бериш вариантлари кўрсатилган бўлиши (бундан овоз беришга кўйилган масалага «ёклайман» деган мазмундаги сўз билан ифодаланадиган кумулятив овоз бериш мустасно), овоз бериш бюллетени акциядор (унинг вакили) томонидан имзоланиши лозимлини тўгрисидаги кўрсатма бўлиши керак.

4.20. Банк кенгаши ёки тафтиш комиссияси аъзосини сайлаш тўгрисидаги масала юзасидан овоз бериш ўтказилган тақдирда, овоз бериш бюллетенида номзод тўгрисидаги маълумотлар, унинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилиши лозим.

## **V. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИНИ ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК**

5.1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилиши Банк кенгашининг карорига кўра унинг ўз ташабуси асосида, тафтиш комиссиясининг ёзма талаби, шунингдек ёзма талаб тақдим этилган санада Банк овоз берувчи акцияларнинг камидаги беш фоизига эгалик килувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади (талабноманинг намунавий шакли 5-иловада келтирилган).

5.2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишига тайёргарликни кенгаши ёки конунчиллик билан белгиланган ҳолларда акциядорларнинг умумий йигилишини чакртираётган шахс мазкур Низомда белгиланган тартибда амалга оширади.

5.3. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилиши Банк кенгаши тарафидан, Банкнинг тафтиш комиссияси ёки акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини ўтказиш тўгрисидаги ёзма талаб тақдим этилган санада Банкни овоз берувчи акцияларнинг камидаги беш фоизига эгалик килаётган акциядор (акциядорлар)нинг ёзма талаби тақдим этилган пайтдан бошлаб ўттиз кундан кечиктирмасдан чакртирилади.

5.4. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини ўтказиш тўгрисидаги талабда йигилиш кун тартибига киритилиши керак бўлган масалалар уларни киритиши сабаблари кўрсатилган ҳолда таърифланган бўлиши керак. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилишини чакртириши кенгаши ёки тафтиш комиссияси аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш масаласига боғлик бўлса, бундай йигилишни чакртириши тўгрисидаги талабда кенгаши ёки тафтиш комиссияси аъзоларининг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш масаласидан ташқари кун тартибига кенгашнинг ёки тафтиш комиссиясининг янги таркибини сайлаш масаласини киритиши тўгрисида таклифлар бўлиши лозим.

5.5. Банк кенгаши Банк тафтиш комиссиясининг ёки Банк овоз берувчи акцияларнинг камидаги беш фоизига эгалик килувчи акциядорнинг (акциядорларнинг)

талабига кўра чакириладиган акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилиши кун тартибидаги масалаларнинг таърифига ўзгаришлар киритишга хакли эмас.

5.6. Акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишини чакириш тўгрисидаги талаб акциядордан (акциядорлардан) чиккан тақдирда, бу талабда умумий йигилишни чакиришни талаб килаётган акциядорнинг (акциядорларнинг) исми-шарифи (номи), унга тегишли акцияларнинг сони, тури кўрсатилган бўлиши лозим.

5.7. Акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишини чакириш тўгрисидаги талаб акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишини чакиришни талаб килган шахс (шахслар) томонидан имзоланади.

5.8. Банкнинг тафтиш комиссияси ёки Банк овоз берувчи акцияларининг камидаги беш фоизига эгалик килувчи акциядор (акциядорлар) акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишини чакириш тўгрисида талаб тақдим этган санадан эътиборан ўн кун ичида Банк кенгаши акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишини чакириш тўгрисида ёки йигилишни чакиришни рад этиш хакида карор кабул килиши керак.

5.9. Банк тафтиш комиссиясининг ёки Банк овоз берувчи акцияларининг камидаги беш фоизига эгалик килувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) талабига кўра акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишини чакиришни рад этиш тўгрисидаги карор кўйидаги ҳолларда кабул килиниши мумкин, агар:

- акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишини чакиришни талаб килаётган акциядор (акциядорлар) талаб тақдим этилган санада Банк овоз берувчи акцияларининг беш фоизига эгалик килмаса;

- кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масалалардан бирортаси хам акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига кирмаса;

- кун тартибига киритиш учун таклиф этилган масала «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукукларини ҳимоя қилиш тўгрисида»ги Қонун талабларига мувофиқ бўлмаса.

5.10. Банк кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишини чакириш тўгрисидаги карори ёки бундай йигилишни чакиришни рад этиш хакидаги асослантирилган карори йигилиш чакиришни талаб килган шахсларга карор кабул килинган пайтдан эътиборан уч иш кунидан кечиктирмай юборилади.

5.11. Банк кенгашининг акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишини чакиришни рад этиш тўгрисидаги карори устидан судга шикоят килиниши мумкин.

5.12. Банк кенгаши ўн кунлик муддат ичида акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилишини чакириш тўгрисида карор кабул қилмаган тақдирда ёки уни чакиришни рад этиш хакида карор кабул килган тақдирда, акциядорларнинг навбатдан ташкари умумий йигилиши уни чакиришни талаб килган шахслар томонидан чакирилиши мумкин. Бундай ҳолларда акциядорларнинг умумий йигилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ ҳаражатларнинг ўрни акциядорлар умумий йигилишининг карорига кўра Банкнинг маблаглари хисобидан қопланиши мумкин.

## VI. УМУМИЙ ЙИГИЛИШ КВОРУМИ

6.1. Агар акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами эллик фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йигилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади. Видеоконференсалоқа ва электрон ракамли имзо билан шаҳодатланган

бюллетенларни тақдим этиш воситасида акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этаётган акциядорлар кворумни хисоблашда хисобга олинадилар.

6.2. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказишнинг белгиланган вактида кворум бўлмаса, акциядорларнинг тақрорий умумий йигилишини ўтказиш санаси эълон килинади. Акциядорларнинг тақрорий умумий йигилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл кўйилмайди.

6.3. Кворум бўлмаганлиги сабабли акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш санаси йигирма кундан кам муддатга кўчирилган тақдирда, умумий йигилишда иштирок этиш хукукига эга бўлган акциядорлар ўтказилмай колган умумий йигилишда иштирок этиш хукукига эга бўлган акциядорларнинг реестрига мувофик аникланади.

6.4. Агар акциядорларнинг ўтказилмай колган йигилиши ўрнига чакирилган тақрорий умумий йигилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда Банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами кирқ фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг тақрорий умумий йигилиши ваколатли бўлади.

6.5. Акциядорларнинг тақрорий умумий йигилишини ўтказиш тўғрисида хабар килиш ушбу Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

## VII. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШНИ ИШЧИ ОРГАНЛАРИ

7.1. Раис, саноқ комиссияси, котиб умумий йигилишининг ишчи органлари хисобланади.

7.2. Акциядорларнинг умумий йигилишини Банк кенгашининг Раиси, у узрли сабабларга кўра бўлмаган холда эса Банк кенгashi аъзоларидан бири олиб боради.

7.3. Умумий йигилиш Раиси йигилиш боришига раҳбарлик килади, умумий йигилиш ишчи органларининг ҳатти-харакатларини мувофикаштиради, масалаларни мухокама килиш тартибини белгилайди, маърузачиларнинг чикиш вактини чеклайди, йигилиш бориши ва овоз бериш мобайнида тушунтиришлар беради, йигилишда тартиб мавжудлигини назорат килади.

7.4. Овозларни санаб чикиш, акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини таркатиш учун Банк кенгashi томонидан саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан тасдикланади.

Бу холда саноқ комиссиясига амалий кўмак бериш ёки унинг вазифаларини бажариш учун Банк кенгashi қарори билан мустакил эксперталар жалб килиниши мумкин.

7.5. Саноқ комиссиясининг таркиби камидан уч кишидан иборат бўлиши керак. Саноқ комиссияси таркибига Банк кенгашининг аъзолари, тафтиш комиссиясининг аъзолари, Банк бошкаруви Раиси ва аъзолари, шунингдек ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмас.

7.6. Ўзига юклатилган мажбуриятлар донрасида Саноқ комиссияси йигилишининг мустакил ишчи органи хисобланиб, унинг миқдорий ва шахсий таркиби кенгаш таклифига кўра акциядорлар умумий йигилиши тарафидан тасдикланади.

7.7. Саноқ комиссияси ваколатининг муддати уни тасдиклаш тўғрисидаги Банк акциядорлари умумий йигилишининг қарори билан белгиланади ва уни акциядорлар умумий кенгashi тарафидан пайтдан бошлаб хисобланади.

7.8. Саноқ комиссияси таркиби тасдикланганидан сўнг саноқ комиссиясининг карори билан саноқ комиссияси раиси сайланиб, йигилишда комиссиянинг мувофиқлаштириш ишини амалга оширади.

7.9. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказишга тайёргарлик пайтида саноқ комиссияси кенгаш топшириғига кўра куйидаги вазифаларни бажаради:

- акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этишга ҳакли акциядорларнинг рўйхатини тузади;

- овоз бериш бюллетенларни ва умумий йигилишнинг бошка материалларини беради, берилган бюллетенларнинг хисобини юритади.

7.10. Акциядорларнинг бурунги умумий йигилиши томонидан сайланган саноқ комиссияси акциядорларнинг умумий йигилишида куйидаги вазифаларни амалга оширади:

- умумий йигилишда иштирок этиш учун акциядорларни (уларнинг вакилларини) рўйхатта олади;

- ишончномаларни ва улар тақдим этадиган ваколатлар хисобини юритади;

- овоз бериш бюллетенларини ва умумий йигилишнинг бошка ахбороти (материалларини) беради;

- акциядорларнинг умумий йигилишида кворум мавжудлигини аниклади.

7.11. Ўтаётган акциядорларнинг умумий йигилишида таркиби тасдиқанган саноқ комиссияси:

- акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан умумий йигилишда овоз бериш хукукини амалга оширишда юзага келган саволларни тушунтиради;

- овоз беришга кўйилган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради;

- овоз беришнинг белгиланган тартибини ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш хукукини таъминлайди;

- овозларни хисоблайди ва овоз бериш якунларини чиқаради;

- овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузади;

- овоз бериш бюллетенларини архивга топширади.

7.12. Овоз бериш якунлари бўйича саноқ комиссияси шу комиссия аъзолари томонидан имзоланадиган баённома тузади, шу жумладан, акциядорларнинг умумий йигилишида кворум бор ёки йўклиги тўғрисида маълумотни ўз ичига олади. Овоз бериш якунлари бўйича саноқ комиссиясининг баённомаси акциядорларнинг умумий йигилишининг баённомасига тиркалиши лозим. Овоз бериш якунлари овоз бериш ўтказилган акциядорларнинг умумий йигилишида эълон килиниб, шунингдек, овоз бериш якунлари тўғрисида хисоботни чоп этиш йўли билан акциядорларнинг умумий йигилиши ёпилганидан сўнг акциядорлар эътиборига етказилади.

7.13. Ҳар бир йигилишда баённома юритилиши учун акциядорларнинг умумий йигилиши тарафидан йигилиш Котиби сайланади.

7.14. Умумий йигилиш Котиби:

- йигилиш кун тартиби масалаларини муҳокама килишда иштирок этишини истаганларни ёзма аризалар бўйича рўйхатини юритади;

- акциядорларнинг умумий йигилиши ёпилганидан сўнг ўн кундан кечиқтирмасдан икки нусхада акциядорларнинг умумий йигилишининг баённомасини тузади.

## **VIII. УМУМИЙ ЙИГИЛИШНИ ОЛИБ БОРИШ ТАРТИБИ**

8.1. Акциядорларнинг умумий йигилишини олиб бориш тартиби акциядорларнинг хар бир умумий йигилишида мазкур Низомга мувофик тасдикланади.

8.2. Акциядорларнинг умумий йигилишининг Раиси умумий йигилиш котибини, шунингдек, зарурат бўлса, саноқ комиссиясининг янги тартибини сайлашни таклиф килади, сўнг йигилишнинг кун тартиби эълон килинади.

8.3. Акциядорларнинг умумий йигилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича карор кабул килишга, шунингдек кун тартибига ўзгаришлар киритишга хакли эмас.

8.4. Умумий йигилишни олиб бориш тартиби йигилиш ишини бошлаш ва тахминий тутгатиш вактини, чикишлар ва танаффуслар давомийлигини, кун тартибидаги масалалар бўйича маърузачиларнинг фамилияси ва лаввозимини, овоз беришни амалга ошириш ва унинг натижаларини эълон килиш тартибини назарда тутади.

8.5. Йигилиш чогида юзага келадиган жорий масалаларни раис яккабошчилик тартибида, мухокама этилаётган масала бўйича акциядорларнинг умумий йигилишида хар бир иштирокчи берилган вақт чегарасида чикиш килишга хакли, деган асосий тамойилдан келиб чикиб ҳал килади. Бундан ташкири, акциядорлар умумий йигилишининг Раиси, акциядорларнинг умумий йигилишини аудио-видеога ёзиб олиннишига ва уни Интернет тармогига трансляция килинишига руҳсат беришга вкаколатлидир.

8.6. Кун тартиби масалаларини мухокамасида иштирок этишни ҳохловчилар мухокама учун масалани кўрсатган холда умумий йигилиш котибига ёзма буюртма топширадилар.

8.7. Кун тартибидаги барча масалалар мухокама килинганидан сўнг раис акциядорларнинг умумий йигилишини ёпик деб эълон килади.

## **IX. АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШ БАЁННОМАСИ**

9.1. Акциядорлар умумий йигилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йигилиши ёпилганидан кейин ўн кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха хам умумий йигилишда раислик килувчи ва умумий йигилиш котиби томонидан имзоланади.

9.2. Акциядорлар умумий йигилишининг баённомасида:

- акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказилган сана, вақт ва жой;
- Банкнинг овоз берувчи акцияларига эгалик килувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони;
- умумий йигилишда иштирок этган акциядорлар эга бўлган овозларнинг сони;
- умумий йигилишнинг раиси (раёсати) ва котиби, йигилиш кун тартиби;
- маърузаларнинг асосий мазмуни, овозга кўйилган масалалар, улар бўйича овоз бериш натижалари ва умумий йигилиш тарафидан кабул килинган карорлар кўрсатилади.

9.3. Акциядорлар умумий йигилишининг баённомаси имзоланганидан сўнг саноқ комиссияси Банк архивига йигилиш хужжатларини, жумладан, умумий йигилишнинг рўйхат таркибини, муҳрланган овоз бериш бюллетенларини, саноқ комиссияси аъзолари томонидан имзоланган овоз бериш бюллетенларини ва акциядорлар умумий йигилишининг баённомасини топширади.

## **X. АКЦИЯДОРЛАРИННИГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШ ҚАРОРЛАРИ БАЖАРИЛИШИ**

10.1. Агар йигилиш карорида ўзга тартиб кўрсатилмаган бўлса, акциядорлар умумий йигилиши карорлари бажарилиши устидан назоратни Банк кенгаши амалга оширади.

10.2. Акциядорлар умумий йигилиши томонидан қабул килинган карорлар, шунингдек овоз бериш якунлари акциядорларга:

- акциядорлар умумий йигилиши тугашидан сўнг эълон килиш;
- акциядорлар умумий йигилиши баённомаси тузилганидан сўнг икки иш куни мобайнида муҳим факт тўғрисидаги хабарда ахборотни ошкор килиш йўли билан етказилади.

10.3. Банк акциялари фонд биржаси листингига киритлган тақдирда Банк, шунингдек, фонд биржасининг расмий веб-сайтида тегишли ахборотни чоп этиши шарт.

10.4. Банк бошкаруви раиси акциядорлар умумий йигилиши карорлари бажарилишини ташкил қиласди.

10.5. Акциядорлар умумий йигилишининг қарорлари барча, ҳам умумий йигилишда ҳозир бўлган, ҳам унда бўлмаган акциядорлар томонидан уларга алокадор ва конунчиликка зид бўлмаган кисмида бажарилиши мажбурий.

## **XI. КУЧГА КИРИШИ**

11.1. Мазкур Низом янги таҳрирдаги Банк устави Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан рўйхатга олинган санадан бошлаб кучга киради.

“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ  
2018 йил 01 июндаги акциядорларининг  
йиллик умумий йиғилиши  
қарори билан  
“ТАСДИҚЛАНГАН”

“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ  
2018 йил 08 июндаги АС-3/2018-сонли  
акциядорларининг йиллик умумий  
йиғилиши баённомасига  
б-илова

**“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ 2017 йил 31 январдаги акциядорларининг  
йиллик умумий йиғилиши қарори билан тасдиқланган  
“ASIA ALLIANCE BANK” акциядорлик тижорат банки акциядорларининг  
умумий йиғилиши түғрисидаги Низомизга 1-сонли ўзгартириш**

1. **Низомнинг 4.1 бандидаги** “йилнинг иккинчи чорагида” сўзлар “Банк Кенгаши томонидан йиғилиш ўтказишнинг бошқа санаси белгиланмаган тақдирда, 11 майда” сўзлар билан алмаштирилсин.
2. **Низомнинг 4.5 бандидаги** “молиявий йил якунлангандан сўнг олтмиш кундан кечиктирмасдан” сўзлар “1 апрелгача” сўзлар билан алмаштирилсин.

**"ASIA ALLIANCE BANK" АТБ  
ягона акциядор қарорига  
2-сонли илова**

**"ASIA ALLIANCE BANK" АТБ  
2019 йил 04 январдаги  
ягона акциядорнинг АС-2/2019 сонли  
қарори билан  
«ТАСДИҚЛАНГАН»**

**"ASIA ALLIANCE BANK" АТБ  
акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисидаги Низомга  
2-сонли қўшимча**

**1. Низомнинг 1 бўлими қуйидаги таҳрирдаги 1.6. банди билан тўлдирилсин:**

«1.6. Агар Банкнинг барча оддий акциялари битта акциядорга тегишли бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмайди. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан якка тартибда қабул қилинади ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилиши керак, жамиятнинг имтиёзли акциялари Қонунга мувофиқ овоз бериш хуқуқини олиши ҳоллари бундан мустасно. Бунда акциядорлар умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш, уни чақириш ва ўтказиш тартибини ҳамда муддатларини белгиловчи қоидалари қўлланилмайди, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш муддатларига тааллуқли қоидалар бундан мустасно.».

"ASIA ALLIANCE BANK" АТБ  
2019 йил 31 июлдаги  
ягона акциядорнинг АС-5/2019 сонли  
қарори билан  
«ТАСДИҚЛАНГАН»

**«ASIA ALLIANCE BANK» АТБ  
акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисидаги Низомга  
3-сонли ўзгартириш**

**1. Низомнинг 2.1.14-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«2.1.14. мажбурий аудит текширув ўтказиш учун аудит ташкилотни аниқлаш, унинг хизматлари учун энг юқори тўлов микдорини белгилаш, у билан шартнома тузиш (бекор қилиш) бўйича қарор қабул қилиш;».

**2. Низомнинг 4.13-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:**

«4.13. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида йигирма бир кундан кечиктирмай, лекин узоги билан ўттиз кун олдин Корпоратив ахборот ягона порталида, Банкнинг расмий веб-сайтида, оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали юборилади (хабарноманинг намунавий шакли 3-иловада келтирилган).».

“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ  
ягона акциядорнинг  
2019 йил 4 ноябрдаги АС-09/2019 сонли  
қарори билан  
“ТАСДИҚЛАНГАН”

**“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ  
акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисидаги Низомга  
4-сонли ўзгартириш**

**1. Низомнинг 1.1 банди қуийдаги таҳрирда баён этилсин:**

“1.1. «ASIA ALLIANCE BANK» АТБ акциядорларининг умумий йиғилиши тўғрисидаги ушбу Низом (кейинги ўринларда Низом деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқукларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни (кейинги ўринларда Қонун деб юритилади), шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг бошқа норматив-хуқуқий хужжатлари, Акциядорлик жамиятлари фаолияти самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш Комиссиясининг 31.12.2015 йилдаги 9-сонли ва 20.04.2018 йилдаги 15-сонли мажлис баёнларии билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси ва Давлат иштирокидаги корхоналар учун корпоратив бошқарув қоидалари ва «ASIA ALLIANCE BANK» акциядорлик тижорат банки Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.”.

**2. Низомнинг 2.1.9 кичик банди қуийдаги таҳрирда баён этилсин:**

“2.1.9. Бошқарув Раисини ва аъзоларини сайлаш (тайинлаш) ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Бунда Банк Кенгаши Банк Бошқаруви Раиси ва аъзолари томонидан Банк устави қўпол бузилган ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли Банкка зарар етказилган тақдирда улар билан тузилган шартномани муддатидан илгари тўхтатиш (бекор қилиш)га ҳақли;”.

**3. Низомнинг 3.6 банди қуийдаги таҳрирда баён этилсин:**

“3.6. Кенгаш, тафтиш комиссияси аъзолигига ва Банк Бошқаруви Раиси ва аъзолари лавозимига номзодлар ўзларининг номзодлари кўриб чиқилаётганда акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этишлари мумкин.”.

**4. Низомнинг 3.8 банди қуийдаги таҳрирда баён этилсин:**

“3.8. Акциядорнинг, жумладан, акциядорлик келишувини тузган акциядорларнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ишончнома асосида ҳаракат қиласи ва акциядорларнинг умумий йиғилишида кун тартиbidаги масалалар бўйича акциядор(лар)нинг ў(лар)зи билан келишган ҳолда қатнашади ва овоз беради. Бунда кун тартиbidаги масалалар бўйича овоз бериш тартибини акциядорнинг ўзи билан келишиш акциядорнинг вакили томонидан уларга қулай ихтиёрий шаклда амалга оширилади. Акциядор ва унинг вакили ўртасидаги муносабат, шу жумладан акциядорлар йиғилиши кун тартиbidаги масалалар бўйича овоз бериш тартибини келишиш, Банкнинг иштирокисиз ва қонун хужжатлари асосида тартибга солинади.”.

**5. Низомнинг 4.1 бандининг 1 ва 2 хатбошилари қуийдаги таҳрирда баён этилсин:**

“4.1. Банк ҳар йили, аммо молия йили тугаганидан кейин олти ойдан кечиктирмасдан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиши санаси қонунчиликда белгиланган тартибда Банк Кенгаши томонидан белгиланади. Одатда акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши Банк Кенгаши томонидан йиғилиш ўтказишнинг бошқа санаси белгиланмаган тақдирда, 1 июнда ўтказилади.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишида Банкнинг Кенгашини ва тафтиш комиссиясини (тафтишчисини) сайлаш тўғрисидаги, Бошқарув Раиси ва аъзолари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар ҳал этилади, мазкур Низомнинг 2.1.11 ва 2.1.12 бандларида назарда тутилган масалалар, шунингдек, Банк бошқаруви ва Кенгашининг Банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳисоботлари ва қонунчилик ва уставга мувофиқ бошқа хужжатлар кўриб чиқилади.”.

**6. Ушбу ўзгартиришлар Банк уставига 8-сонли ўзгартишлар ва қўшимчалар давлат рўйхатидан ўтган санадан бошлаб кучга киради.**